



Урал шахри ахолисининг 8 фоиздан зиёдини мусулмонлар ташкил этади. Улардан кўпи татар, бошқирд, киргиз, озарбайжон ва бошқалардан иборат.

Шариат конунларига кўра муслима аёллар кийиниш ва хулк-атвор низомни билишлари керак. Кийимлари баданлари ва бошларини номахрам эркаклардан тўлик беркитиши шарт. Хамда, таранг ва эркаклар кийимига ўхшамаслиги лозим.

Кийимларга бўлган талабчанлик ва хусусиятлар танқислиги сабабидан, “Урал Муслималари”нинг бошчиси Росалия Ахматова Екатеринбургда тикувчилик фабрикаси ва дўкони очишга қарор қилди.

Сотувда узун кўйлақлар, хижоблар ва косметик воситалари, шунингдек Туркия ва Бирлашган Араб Амирликларида ишлаб чиқарилган парфюмерия (атир-упалар) ҳам мавжуд.

Росалия Ахматова, ишловчи муслималар ва безакчилар, шу йили май ойида Козон шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобакага тайёргарлик кўрмоқдалар.